

O'zbekiston OVOZI

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi



ИСТАНБУЛ САММИТИ:

Президентимизнинг
нутқи ва ташаббуслари
халқаро экспертлар
этирофида

2 САҲИФА




ИНСОН ФЕНОМЕНИ

3 САҲИФА



СИЁСИЙ РОМАНТИКА

4 САҲИФА



«ТИРИК ДОНОР»

5 САҲИФА

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

18-ноябрь — Ўзбекистон Республикаси
Давлат байроғи қабул қилинган кун




Европадаги энг баланд тоғ чўққиси Эльбурс
(5642 м.)да мамлакатимиз байроғи ҳилпирамоқда.

Суратда: альпинист Шароф ЭГАМБЕРДИЕВ.

ОБУНА — 2022

Энди «Ўзбекистон овози»
газетасига




иловалари орқали
обуна бўлишингиз
мумкин.

Нашр
кўрсаткичи —
220.

Боғланиш учун
телефонлар:
(71) 276-20-67, (71) 276-10-91.



Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезони бўлган "Инсон қадрлари учун" тамойилининг муҳим бўғинларидан бири барча учун сифатли тиббий хизмат олишга имконият ва шароит яратиш, тиббиётни халқимизни рози қиладиган тизимга айлантиришдан иборат.



**ИСТАНБУЛ САММИТИ:
ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ
НУТҚИ ВА ТАШАББУСЛАРИ
ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР
ЭЪТИРОФИДА**

Шу йилнинг 11-12 ноябрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар кенгашининг 8-саммити бу сафар ҳам анчайин долзарб тақлиф ва ташаббусларга бой ўтди:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қорабўғ ҳудудида мактаб куриш ҳақидаги тақлифига Озарбайжон президенти Илҳом Алиев нима деди?

— Давлатимиз раҳбари бутун дунёга қандай «мессежлар» юборди?

— Учинчи ренессанс тўлқинлари «feedback» бера оладими?

— 2022 йил қандай номланишини биласизми?

Мазкур саммитда давлатимиз раҳбари томонидан келтирилган қатор ташаббусларга халқаро экспертларнинг муносабатлари билан қуйида батафсил таништириб ўтамиз.

Холид Таймур Акром, Покистон глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази директори:

— Шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёев йирик давлат арбоби ва минтақавий раҳбар эканини кун сайин исботламоқда. Биргина сўнги олти ой ичида у Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий ўзаро боғлиқлиги ғоясини илгари сурди. Тажрибамдан келиб чиқиб шуни қомил ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон етакчилиги тарихий ўзгаришлардан яна янги моҳият бахш этадиган шахслар тоифасидандир.

Хусейн Бозоглу, Британиянинг «Genomed-Biotech» компанияси раҳбари:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг туркий халқлар ўртасида илмий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббусларидан биолог ва молекуляр диагностика соҳасида фаолият юритаётган компания раҳбари сифатида ҳам мамнун бўлдим.

Метин Гондогу, Туркия Буюк Миллат мажлиси депутати:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2022 йилни «Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиш тақлифи жуда долзарбдир.

Илгар Велизаде, Озарбайжондаги «Жанубий Кавказ» сиёсатшунослар клуби раҳбари:

— Саммитда сўзга чиққан Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон томонидан Қорабўғ ҳудудида мактаб биносини куришни амалга ошириш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бу нафақат озар ва ўзбек халқлари ўртасидаги тарихий қардошлиқ ришталарини эъзозлаш, балки бугунги кунда янада ривож топаётган туркий тилли мамлакатлар ҳамкорлигининг муҳим тамал тошидир.

Меҳмет Сейфеттин Эрол, «ANKASAM» инкироз ва сиёсат таҳлили маркази директори, профессор (Туркия):

— Шавкат Мирзиёев атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши каби глобал муаммолар олдида «яшил» энергия, сув муаммоси, қишлоқ хўжалиги каби мавзуларга тўхталиб ўтгани катта аҳамиятга эга. Шу тариқа глобал экологик муаммоларнинг Ўзбекистон ва туркий дунё олдида долзарблигини таъкидлаб, бутун дунёга муҳим «мессежлар» юборди;

Масато Хиватари, Хоккайдō университети профессори (Япония):

— Шавкат Мирзиёев ўз нутқида таъкидлагани каби, сўнги йилларда Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо давлатлар билан умумий товар айирбошлаш ҳажми икки бараварга ошган. Туркий кенгаш аъзолари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик бундан кейин янада ривожланади, жумладан, транспорт ва транзит соҳасида ҳам.

Месут Эмре Каракосе, «Соҳибқирон» стратегик тадқиқотлар маркази директори (Туркия):

— Президент Шавкат Мирзиёев Туркий кенгаш саммитида савдо, иқтисодиёт, логистика, технология, маданият, экология ва бошқа қатор йўналишларда бутун туркий дунё географиясини қамраб олувчи долзарб ташаббусларни илгари сурди. Бу эса Янги Ўзбекистонда бошланган Учинчи Ренессанс тўлқинлари нафақат минтақа, балки бутун дунёга ўз таъсирини кўрсатишидан далолат беради.

Далия Чакар, Нидерландия-Ўзбекистон дўстлик жамғармаси раиси:

— Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш ва ташкилотни мустаҳкамлашга қаратилган амалий ташаббуслари ташкилотга пандемия, озиқ-овқат хавфсизлиги, экология ва иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган хавф ва таҳдидларни бартараф этишга қўшимча туртки бериши шубҳасиз.

С. БОБОЕВ тайёрлади.



Улуғбек ИНОЯТОВ, Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари:

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ — ҲАЁТНИ ЎЗГАРТИРИШ ДЕМАК

— Кейинги йилларда халқ билан мулоқотнинг самарали механизми йўлга қўйилгач, камбағаллик бўйича ҳақиқий аҳвол кўз ўнгимизда намоён бўлди. Камбағаллик тор доирадаги тушунча эмас. Бу фақат моддий қийинчиликда, ночорликда кун кўраётган одамларга тааллуқли бўлган масала эмас. Камбағаллик халқнинг соғлиги, давлатнинг имкониятлари, фуқароларнинг устувор ҳуқуқлари таъминланиши, умумий салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ масаладир.

Шу боисдан бугун иқтисодиётдаги барча саъй-ҳаракатлар аҳоли учун даромад манбаи яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилмоқда. Камбағалликка барҳам бериш жуда катта қаровга эга бўлган масала ҳисобланади. Бунда кимгадир ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бу иқтисодий инфратузилма билан бирга, инвестиция йўналтириш, энергия таъминотини яхшилаш, таълимни ривожлантириш каби комплекс чораларни талаб этади.

Мазкур жараёнда, аввало, аёллар ва ёшларга малака бериш, шу орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган кенг қаровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун давлат сиёсати марказдан маҳалла даражасига яқинлаштирилган вертикал тизимга айланди.

Халқ демократик партияси бу ислохотларни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, давлат бошқарувини демократик ислох этишни изчил давом эттириш, маҳалла институтини ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш, таълим ва тиббиётга эътиборни кучайтириш,

ижтимоий ҳимояни такомиллаштириш масалалари принципиал сиёсий аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Шу ўринда айтиш керакки, келгуси йилдан бошлаб, давлат томонидан берилаётган маблағлар ва яратилаётган имкониятлар маҳалланинг эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланиши, айтиш мумкин бўлади.

Нима учун бу тизим йўлга қўйилмоқда. Чунки, аҳолини ўйлантираётган ижтимоий масалалар айнан маҳалла кесимида яққол кўзга ташланади. Олиб борилаётган ислохотлар самараси ва натижаси ҳам маҳалларда аниқ кўринади.

Юқорида туриб, қонунлар, қарорлар ва дастурлар қабул қилинади. Лекин, буларнинг қуйида ижроси тўлиқ таъминланмаса, ўзгаришлар оилалар, фуқароларимиз ҳаётида сезилмаса, олиб борилаётган сайъ-ҳаракатлар самара бермайди. Ўзгаришлар халқимиз ҳаётида, оилалар, хонадонларда сезилиши

икки баробар қисқариши жуда кўплаб соҳаларда ҳақиқий ўсиш бўлганининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бунинг учун, келгуси йилда оилавий тадбиркорлик дастурлари, ишчи аҳоли ва ёшларни касб-хунарга ўқитиш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 13 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз Янги Ўзбекистонни яратмоқдамиз. Бу аввало, бутунлай янги кайфият, янги тизим ва янги ишлаш демакдир. Бунда иш ўринлари яратиш ва камбағалликни қисқартириш – асосий мезон ҳисобланади.

Партияимиз, давлат инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар асосида янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга эришиш мақсадларини фаол қўллаб-қувватлайди. Боиси, бу йўналишда

зарур. Президентимиз бутун давлат ва жамият бошқаруви тизими имкониятларини мана шу эзгу мақсадга катта куч ҳамда иштиёқ билан сафарбар этмоқдалар. Бу тамойил нафақат жойлардаги ижтимоий муаммоларни тизимли ҳал этишга, энг асосийси, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигига реал шароит яратишга хизмат қилади. Бу фикрни бот-бот такрорлаб келмоқдамиз.

Бугун расмий рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ишсизлик даражаси 9,4 фоизни ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, меҳнат ресурслари сони 19,3 млн. кишини ташкил этади. Шундан 5,9 млн. киши норасмий секторда банд бўлганлардир.

Ҳозирда ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1,4 млн. кишини, 16-30 ёшгача бўлганлар орасида ишсизлик даражаси - 14,9 фоиз, аёллар орасида ишсизлик даражаси 12,8 фоизни ташкил қилмоқда. Афсуски, мамлакатимизда иқтисодий нофаол аҳоли сони ошиб бормоқда. Ҳозирда уларнинг сони 4,3 млн. кишини ташкил этади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малака касб-хунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда. Бу жуда катта ва тарихий аҳамиятга эга марра. Бу натижага эришиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарали амалга оширилиши ҳам аниқлади. Яъни, камбағаллик

кейинги йилларда амалга оширилган улкан лойиҳалардан биринчи навбатда бизнинг электорат, эҳтиёжманд қатлам манфаатдор бўлмоқда.

Бу борада келгуси йилда давлат инвестиция дастури доирасида жами 18 триллион сўмликдан зиёд 1 минг 700 га яқин лойиҳа, тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 22 миллиард долларлик 9 мингга лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида мос равишда 135 минг ва 305 мингга иш ўрни ташкил этилади.

Бундан ташқари, халқаро молия ташкилотларидан жалб этилган 2 миллиард 200 минг доллар маблағни ўзлаштириш ҳисобига 109 та лойиҳани амалга оширилиши самарасида 28 минг аҳоли бандлиги таъминланади.

Мазкур масалалар Халқ демократик партияси ғоялари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, айнан бизнинг электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларнинг тақдирини ҳудудларда ҳал бўлади. Жойларда масъулларнинг депутатлар корпуси олдидаги ҳисобдорлиги, маҳаллий вакилик органлари томонидан жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши қонунлар, қарорлар, давлат дастурлари ижроси таъминланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Партияимиз халқ депутатлари Кенгашида 1600 нафардан ортик депутатлик ўрнига эга экани бу йўналишда ҳам имконият беради, ҳам масъулиятимизни икки ҳисса оширади.

Мамлакатда ижтимоий ҳимоя тамойилини ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш жараёндарида фаол иштирок этиш Халқ демократик партиясининг муҳим сиёсий вазифаси ҳисобланади.

МУНОСАБАТ



Keunimzham МАМБЕТМУРАТОВ, Кегайли тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими мудир, «Дўстлик» ордени соҳиби.

БУ ЭЪТИБОР ҲАМ ҚУВОНЧ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР!

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезони бўлган "Инсон қадрлари учун" тамойилининг муҳим бўғинларидан бири барча учун сифатли тиббий хизмат олишга имконият ва шароит яратиш, тиббиётни халқимизни рози қиладиган тизимга айлантиришдан иборат.

35 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилиб келаман. 1979 йили Тошкент тиббиёт институтини стоматолог шифокор мутахассислиги бўйича тугатганман. 1986 йилдан бери Кегайли тумани тиббиёт бирлашмаси анестезиология-реанимация бўлимида фаолият юритиб келмоқдаман.

Бугунги кунда бўлимимизда 6 нафар шифокор, 18 нафар ҳамшира ва 11 нафар тиббий ходим халқнинг саломатлиги йўлида фаолият олиб бораётган. Бўлимда сунъий дам бериш, кислород концентратлари, нархоз аппарати, суюкликни сўриб олувчи электр аппаратлари ёрдамида инсон ҳаётига замин яратмоқда.

Давлатимиз томонидан тиббиёт соҳасига бўлган эътибор жуда кучайган. Биноми эски бўлгани боис, реконструкция ишлари учун етарли маблағ ажратилиб, бугунги кунда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган.

Шу маънода, менга берилган "Дўстлик" ордени нафақат қувонч балки, масъулият ҳам демакдир. Мен буни чуқур тушуниб турибман ва келгусида янада масъулият билан фаолият олиб боришга интиламан.

Фаолиятим давомида кўплаб беморни оиласи ва яқинлари даврасига қайтишига қўлимдан келганча ёрдамим теканидан хурсандман. Бугунги кунда касбиним Арал Сейтжанов, Жанибек Аманқулов, Саламат Уббиев сингари шогирдларимга ўргатиб келяпман. Мен келгуси фаолиятимда ҳам эл саломатлиги йўлида бор-куч гайратимни ишга солиб шогирдларимга бор тажриба ва билимимни беришга доимо тайёрман.



Zebiniso ОЧИЛДИЕВА, Денов туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркалар интернат уйи катта ҳамшираси, «Шуҳрат» медали соҳиби.

ВАЗИФАЛАР ҚОҒОЗЛАРДА ҚОЛИБ КЕТМАСЛИГИ КЕРАК

Муассасамизда 300 нафар ногиронлиги бўлган шахс даволанмоқда. Бу ерда меҳнат қиладиган 185 нафар ишчи-ҳодимнинг 110 нафарга яқини олий маълумотли шифокор, бошқалари ўрта ҳамда кичик тиббий ходимлардир.

Жамоада ишлаётганимга 5 йилдан ошди. Биласизми, кечаги кун билан бугунни асло қийслаб бўлмайди. Давр ўзгармоқда, ҳаётимиз тезлашган. Барча соҳалардаги ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Яқин-яқингача бу каби масканлар кўримсиз аҳволда бўлган. Шароитлари ҳам қоникарли бўлмаган. Кўркам иншоотлар, замонавий мажмуалар меҳрга муҳтож кишилар ихтиёрига топширилганидан кўпчилик миннатдор. Шу билан бир қаторда, шифокорларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу эса бизга куч-қувват беради, қолаверса, масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қиламиз.

Тиббиёт ходимлари кун муносабати билан бир гуруҳ ҳамкасбларимиз қатори, мен ҳам "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Бундай эътибор албатта кучимизга-куч, гайратимизга ғайрат қўшади.

Тиббиёт Давлатимиз раҳбари энг кўп эътибор қаратадиган, тилга оладиган соҳалардан. Бу борада қатор видеоселектор йиғилишлари ўтказилди, зарур вазифалар белгиланди. Улар фақат қоғозларда қолиб кетмаслиги керак. Фаолиятимизни янада кучайтириб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бор куч ва имкониятимизни ишга солишимиз зарур.

Мураккаб шароитда мумкин қадар фазилатларни тарбиялашимиз керак.

ИНСОН ФЕНОМЕНИ

АЙНИ ПАЙТДА ДУНЁДА МАЪНАВИЙ ТАНАЗЗУЛ, АХЛОҚИЙ ИНҚИРОЗ ЖАРАЁНИ ЮЗ БЕРМОҚДА. БУ ИНСОННИНГ ТАБИИЙ ИМКОНИАТЛАРИНИ, РУҲИЙ КЕНГЛИКЛАРИНИ МАЪЛУМ ДАРАЖАДА ЧЕГАРАЛАБ ҚЎЙМОҚДА. БМТ БОШ КОТИБИ АНТОНИО ГУТТЕРИШ БУ ҲОЛАТНИ КАТТА ИЗТИРОБ БИЛАН ИФОДАЛАБ БЕРДИ: "XXI АСРНИНГ ЭНГ КАТТА ФОЖЕАСИ ИНСОНИАТНИНГ ҚАДРИЯТЛАРДАН УЗОҚЛАШИШИДИР".



Америкалик ёзувчи Жек Лондон "Инсон бебаҳо маҳлуқларнинг энг охиригисидир", деган эди. Таниқли рус социологи В.Ключевский эса "Инсон бу оламда энг буюқ ҳайвондир", деб таърифлайди. Бир қарашда булар қўполроқ, уларда инсонга нисбатан нафрат туйғуси бордай туюлади. Бироқ, унинг кирдикорлари, юриш-туришлари, худбинликлари, сотқинликлари, мунофиқликлари заррача манфаат учун энг яқин одамларидан ҳам воз кечишга тайёрлигини кўриб юқоридаги фикрларга қўшилгинг келади.

Буюқ немис файласуфи Освальд Шпенглер "Қаерда маданият йўқолса, ўша ерда зоология кучаяди", дейди. Демак, **инсонни инсонга айлантирадиган, унинг қадрияти асосларини белгилайдиган нарса – маданият.** Маданият эса тарбияга сўянади, маънавийдан озиқланади, маърифатдан куч-қувват олади. Инсоннинг феноменал жиҳатларидан бири у ҳаммаша ўзига ўзи муаммо яратиб, ўзини ўзи инкор қилиб, ўзини ўзи рад этиб яшайдиган олам эканлигида. Борлиқда бирон-бир жонзот инсончалик ўзига ўзи муаммо яратмайди. Улар қандай яшаётганини, нимага яшаётганини тушунишмайди. Фақат инсонгина орзулар ва мақсадлар олами сифатида ҳаётга интилади. У қанчалик буюқ кашфиётлар, оламшумул ихтиролар қилишга қодир бўлса, шунчалик унинг тескарисини ҳам амалга ошириш қудратига эга бўлган ноёб жонзотдир.

Яхшилиқни ҳам, ёмонликни ҳам ақл билан қилади. Ақл эса руҳдан озиқ олади. Демак, руҳиятимиз покляниши, қалбимиз гўзаллашиши, туйғуларимиз шаффофлашиши лозим экан. Инсон, унинг олами ҳақидаги тасаввурлар инсоннинг ўзи каби қадимий. Антик даврдаёқ, ибтидоий ҳаёт шароитида одам ҳақидаги илк тасаввурлар пайдо бўлган. Ақл, ҳис-туйғу билан боғлиқ ва манфаатлар тўқнашуви, яшаш учун кураш ҳолатлари, эзгуликлар қаторида худбинлик ва зўравонлик каби иллатларни ҳам шакллантирган.

Қуръони Каримда "Биз сизни муқаррам қилиб яратдик", дейлади. Муқаррамлик нимада? Азизлик, мўътабарлик нимада? Бизнинг назаримизда оламини яратган, буюқ мўъжизавий қудратга эга бўлган Зот жонзотлар орасида фақат инсонгагина ақл берган, ҳис-туйғу берган. Ана шу улкан имконият инсоннинг бутун қадриятини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, **инсонни қадриятга айлантирадиган ғоят қудратли куч – ақл!** Инсонни маънавий ва руҳий жиҳатдан эзгуликларга даъват этадиган, ойдин орзулар, эзгу-мақсадлар билан яшашга чақирадиган куч эса ҳис-туйғудир!

Қуръони Каримнинг яна бир жойида "Биз сизни ҳар хил қилиб яратдик", дейлади. Олам Сарвари нима учун айнан инсонни ҳар хил қилиб яратди? Нима учун бир хил қилиб яратмади? Чунки агар бир хил қилиб яратганида Ер юзидеги саккиз миллиардга яқин одам бир хил кийинган, бир нарсани ўйлайдиган, бир томонга қараб юрадиган ҳолатда бўларди. Унда ҳаётнинг мазмуни қолмас эди. Ранг-баранглиги, жозибаси бўлмас эди. Тараққиёт бўлмас эди. Орзуларнинг хилма-хиллиги, мақсадларнинг турфалиги одамларнинг турли соҳалардаги интилишларига асос бўлади. Ҳаёт тараққиётга, инсониятнинг бахтли-саодатли турмушига муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Инсон табиати жиҳатдан ўта мураккаб, зиддиятли жонзот. Унинг қалб иқлими континентал. Бу олам зиддиятлари, туйғулар ва ҳиссиётлар бўҳронлари шу даражада ўзгарувчан-

ки, баъзан инсон ўз оламига сиғмай қолади. Ёки ўз қарашлари ва ҳулосаларига қарши хатти-ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин бўлади. Ана шу драматик моҳиятдан келиб чиқиб, Жалолоддин Румий "Олами Куброда неки бор, олами Сўғрода бор", дейди. Олами Кубро – борлик, мавжудот, галактика. Олами Сўғро – инсоннинг қалби, одамнинг бутун моҳияти, феъл-атвори. Унинг ички олами. Инсоннинг ахлоқий ва маънавий имкониятлари ана шу қалбнинг ҳолатига, тозалик даражасига боғлиқ.

Улуғ алломанинг фикрига кўра, ташқи оламда неки бўлса, инсон қалбида шу мавжуд экан. Бўронлар, тўфонлар, қорли-қировли кунлар, баҳор эпкинлари, гўзалликлар, табиатнинг бетакор жозибаси, маънавий ҳолатда, ҳис-туйғулар оқимида инсон қалбида мавжуд. Мусибати, изтиробли кунлар билан бирга шоду-хуррамлик, бахтиёрлик, фаровонлик ҳолатлари қалб оламида муҷассам. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, айтиши мумкинки, ҳар бир одам алоҳида олам. Ҳар бир одам бетакор дунё.

Унинг қалбида турли-туман фазилатлар билан бирга хилма-хил иллатлар ҳам яшайди. Демак, инсоннинг қалби ўзига хос ринг. Унда фазилатлару иллатлар доимий тўқнашиб, бир-бирини мавҳ этиб яшашиди. Кимнинг қалбида иллатлар қолиб чиқса, у ёмон одамга, фазилатлар қолиб чиқса, яхши одамга айланади. Лекин шу нарса аниқки, мутлақ яхши одам ҳам, мутлақ ёмон одам ҳам йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас!

Ана шундай мураккаб шароитда биз мумкин қадар фазилатларни тарбиялашимиз, фарзандларимизни эзгуликка, муруватлиликка, бағрикенгликка, садоқатлиликка ўргатмоғимиз лозим. Ҳозирги замонавий цивилизация шароитида бунга катта эҳтиёж сезилмоқда. Худбинлик, кўролмаслик, ҳасад, ивгогарлик, гап ташиш одамлар орасида кучайиб бормоқда.

Инсоният майдалашиб бораёпти. Иқир-чиқирлар орасида қолиб кетмоқда. Бу эса тасаввурларнинг торайишига, тафаккур оламининг қисқаришига, ақлнинг ўтмаслашишига, ҳис-туйғуларнинг сўнишига олиб келмоқда. Инсонни одам шаклидаги бошқа жонзотга айланмишга, ёввойилашишига сабаб бўлмоқда.

Қадриятлардан узоқлашиш инсоннинг майдалашишига, инсон моҳиятининг йўқолишига олиб келмоқда. Одамлар ивирсиб яшаш, ўзининг тор қобилидан ташқарини ҳис қилмаслик иллатларига учрамоқда. Натижада унинг ижтимоий моҳияти, буюқ мақсадлар билан яшаш салоҳияти йўқолмоқда. Буни одамнинг инсоний фазилатларини белгиловчи бир қатор омилларда кўриш мумкин.

Жумладан, **эътиқодсизлик.** Бу маълум бир қарашларга, эзгуликларга олиб борадиган мақсад ва ғоялардан узоқлашишдир. Эътиқодсиз одамда нимагадир интилиб яшаш ҳисси бўлмайди. Ўзи билан ўзи овора бўлиб, шунчаки яшаш инстинкти кучаяди. Демак, эътиқодсиз одамдан катта нарсани кутиб бўлмайди. Буюқ яратувчилик даврида бундай одамлар тараққиётга ҳаммаша тўсиқ бўлишади. Ҳамиятсизлик, ориятсиз оқиба-тида инсоний қадриятлар йўқолади. Ҳамиятсиз одам ўзини ўзи ҳимоя қила олмайди, ориятсиз одам ўзининг қадру қимматини асрай билмайди. Афсуски, ҳамиятсизлик, ориятсизлик иллатлари кучайиб бормоқда.

Инсофсизлик инстинктлари кучайиб бормоқда. Ҳар бир нарсага адолат билан қараш, виждон амри билан иш туттиш ҳисси йўқолмоқда. Худбинлик, маишатпарастлик, суиис-

теъмолик инсоф деган мўътабар ўлчовни ҳисобга олмаяпти, у чегара билмаяпти. Ваҳоланки, инсоф миллий қадрият сифатида ахлоқнинг маълум бир меъёри, ўлчови ҳисобланади. Инсоф ҳар бир виждонли одам учун жамоа олдидаги, жамият олдидаги ўз ҳулқ-атвори ва одоби учун маънавий жавобгарлик туйғуси ҳисобланади. Афсуски, бу борада жиддий ўпирилишлар бор.

Юқоридаги иллатлар аста-секинлик билан инсоний ҳамият, инсоний орият фазилатларини сўндирмоқда. Ғурур туйғуси йўқолиб бормоқда. Ваҳоланки, ғурурли одам ўзининг қадру қимматини билади. Айтадиган сўзини билиб айтади, қиладиган ишнинг натижасини ўйлаб қилади. Шу билан ўзини асрайди, номини улуғлайди.

Ҳар бир инсоннинг ўзини ўзи ҳимоя қиладиган ички маънавий қудрат сифатидаги ғурур ҳисси тўпланиб жамоа, жамият мақомини эгалласа, у миллий ғурурга айланади. Бугун бутун халқимиз буюқ келажакка қатъий ишонч билан қараётган, янгидан янги ғоялар, улкан мақсадлар билан яшашган бир пайтда бизни руҳлантирадиган, фаолиятимизга куч-қувват берадиган омил миллий ғурур ҳиссидир.



Биз ўтмишимиз билан фахрланишга ўрганиб қолганмиз. Аждодларимизнинг буюқ истеъдоди ва ноёб қобилияти билан шунчаки фахрланамиз, холос. Ваҳоланки, бу фахр-ифтихор остида жуда катта маъсулият, залворли мажбурият турганлигини баъзан унутамиз. Истеъдодли ёшларни рағбатлантиришимиз, уларнинг яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик иқтидорини қўллаб-қувватламоғимиз лозим. Бу бизнинг келажак олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Аждодларимиз ориятли бўлишган. Орият учун ҳамма нарсадан воз кечишган. Биз аждодлар шажарасини давом эттирмоғимиз, миллий ғуруримизни поймол этмаслигимиз, аксинча, уни жаҳон меҳварига бутун моҳияти ва маҳобати билан, баркамоллиги ва бенуқсонлиги билан намоеън этмоғимиз лозим. Бунинг учун ҳар биримизда шахсий ғурур ҳисси бўлмоғи лозим.

Миллий ғурур, миллий ифтихор инсонни юксакликка кўтарадиган, унинг шаънини ардоқлайдиган, вужудига бунёдкорлик, яратувчилик қобилиятини кучайтирадиган ҳодиса. Халқимиз буюқ истеъдодлар, нодир иқтидорлар ва ҳайратомуз қобилиятлар ворисидир. Биз ўтмишимиз билан фахрланишга ўрганиб қолганмиз. Аждодларимизнинг буюқ истеъдоди ва ноёб қобилияти билан шунчаки фахрланамиз, холос. Ваҳоланки, бу фахр-ифтихор остида жуда катта маъсулият, залворли мажбурият турганлигини баъзан унутамиз.

Истеъдодли ёшларни рағбатлантиришимиз, уларнинг яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик иқтидорини қўллаб-қувватламоғимиз лозим. Бу бизнинг келажак олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Умумхалқ салоҳияти ва унинг интеллектуал имконияти халқ даҳолик қудратининг ривожланишига, юксалишига олиб келади. Халқ даҳоси адолат ҳукмрон бўлган, давлат буюқ мақсадларни кўзлаган ва истеъдодларни қўллаб-қувватлаган пайтларда ўзининг ноёб намунасини кўрсатган.

Бугун янги Ўзбекистонда, янгича тафаккур билан яшаш инстинкти феъл-атворга, характерга, турмуш тарзига айланаётган бир пайтда халқнинг даҳолик қудрати тобора ошаётганини кўраёلمиз. Бу мўътабар жараён айна пайтда ҳар биримизнинг маъсулиятимизни оширмоқда.

Замонавий цивилизация инсоният тасаввурини ўзгартирмоқда. Айниқса, ёшларнинг мурғак онгини етарли даражада ривожланишига, табиий ҳолда тараққий топишига монелик қилмоқда. Турмуш тарзида сунъийлик, бекфарқлик, лоқайдлик чуқурлашиб бормоқда. Лоқайдлик ва бекфарқлик эса ҳар қандай тараққиётнинг кушандаси ҳисобланади. Донишмандлардан бири "Душманингдан кўрқма, зўр бўлса, сени ўлдирди. Дўстингдан кўрқма, зарур бўлганда сотқинлик қилиши мумкин. Лоқайдлардан кўрқ, бекфарқлардан кўрқ. Лоқайдлик ва бекфарқлик мавжуд экан инсониятга ўлим таҳдид солавераси", деган экан.

Шуни афсус билан алоҳида таъкидлаш керакки, лоқайдлик, бекфарқлик, яқна тартибда яшаш, ақлни ишлатмай кўп нарсага эришиш, меҳнат қилмай даромад топиш иллатлари ҳаётимизда мавжуд. Ҳаёт ҳақиқати ва

қудратининг натижаси. Давлат мамлакатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади, уни амалга ошириш бўйича қарорлар, фармонлар ва қонунлар қабул қилади. Халқ эса бунёдкорлик кучи, яратувчилик қобилияти ва интеллектуал салоҳияти орқали уни амалга оширади.

Ялпи сафарбарлик – тараққиёт омили! Фуқароларнинг ғоявий ва маънавий юксаклигини буюқ сакрашга олиб келадиган қудратли куч. **Ҳар қандай тараққиётнинг асоси – ахлоқ! Ҳар қандай таназзулнинг асоси – ахлоқсизлик!** Янги Ўзбекистон халқи бир неча цивилизацияларни кўрган халқ сифатида бунинг дунёга исботлаб берди. Биз янги Ўзбекистон шароитида бунинг тораба чуқур ҳис этмоқдамиз.

Янгича тафаккур, янгиланаётган онг бевосита ислохотлар мазмунини англаш орқали улкан ижтимоий ҳодисага олиб келадиган қудратли куч. Янги Ренессанс ҳодисасининг илк жараёнларига боғланиб бормоқда.

Беш йил ичида янги Ўзбекистон шаклланди. Бунинг асосида, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тўхтанган ўзгарганида, ишлаб чиқариш соҳасининг бутунлай ислоҳ қилинганда, ижтимоий соҳани ривожлантиришда энг замонавий технологияларининг жорий қилинаётганда яққол кўрамади. Бироқ янги Ўзбекистоннинг моҳияти фақат шундан иборатгина эмас. Унинг тўб мазмуни, ижтимоий қадрияти, инсон тафаккурининг, кадр-қимматининг кескин ўзгарганида баҳоланади.

Бугунги фуқаро беш йил олдинги фуқаро эмас. У ижтимоий-биологик мавжудот ёки битта паспорт эгаси сифатида ўша одам бўлиши мумкин. Лекин янгиланган тафаккур, замонавийлашган онг, покланаётган маънавий олам нуқтаи назаридан бутунлай бошқа одамга айланмоқда. Аслида серқирра ислохотларнинг бутун моҳияти ана шу ерда очилади. Демак, янги Ўзбекистоннинг цивилизациялашган янги фуқароси асос бўлмоқда!

Дарҳақиқат, одамлар ижтимоий ҳодиса сифатида қадриятга айланган бошланганини ҳис қилишяпти. Ўзини англаяпти, **ўзини ўзи қадриятга айлантира бошляпти.** Ҳеч қим ҳеч қандай кам эмаслигини, у тўлақонли бахтли, саодатли яшашга ҳақли эканлигини тушуна бошляпти. Ўзининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий эҳтиёжларини, талабларини ўртага ташламоқда. Бу **ялпи миллий уйғонишнинг ўзгинасидир.** Яъни, ялпи жамият тафаккур жиҳатдан ўзгарди. Онгли, маърифатли ҳаёт тарзи қарор топмоқда. Бу эса ўз-ўзидан умуммиллий уйғонишга, умуммиллий тараққиётга асос бўлмоқда.

Кишилиқ тарихи шундан далolat берадики, қачонки жамиятда ялпи ўзлигини англаш, яқна тартибда ҳар бир инсон ўзининг инсоний моҳиятини тушуниб, қадриятга айлантирашга эҳтиёж сезган даврида, тараққиётнинг бутунлай янги, замонавий босқичи бошланган. Зотан, ҳар қандай тараққиёт онг ва тафаккур маҳсули. Ҳар қандай тараққиёт юксак ахлоққа, замонавий билимга, кенг тафаккурга сўянади. Жаҳолат, залолат, қабоҳат сингари инсоний қадриятларнинг шавқатсиз душманлари барбод этилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт даражаси, жамиятнинг маънавий-маърифий имкониятлари асосида шаклланиб янги тафаккурдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, халқимиз тарихи ва иқболда янги сакраш даври бошланди. Бу эса ўзига хос Ренессанс ҳодисасининг асоси ҳисобланади.

Оқил САЛИМОВ,
академик.

Тасаввур қиласан, она қуш дунёдаги ҳамма меҳрни жамлаб, полопонига егулик олиб учаётган, икки жонзот икки қоядан туриб бир-бирига дил изҳори қилаётган бўлади...

17-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№46 (32688)

КЎЧАЛАР ОРАСТА,
ТОШКЕНТДА
ҚАНДАЙДИР
МУХТАШАМЛИК,
БУТУН ЎЗБЕКИСТОН
КЕЧАГИНА КЕЛИН
ТУШИРГАН
ХОВЛИДЕК
ХУРСАНД.



СИЁСИЙ РОМАНТИКА

» 100 ФОИЗ
БОКИРА, САМИМИЙ
МАТБУОТ, СИЁСАТ
ВА СИЁСАТЧИЛАР
ҲАМ БЎЛМАГАН,
ЭХТИМОЛ ҲЕЧ ҚАЧОН
БЎЛМАС, ЛЕКИН
ХАРАКТЕР ЛАҲЗАЛАРДА
ЎТИБ КЕТАДИГАН
ҲОЛАТЛАРДА
КЎРИНАДИ. ТЎҒРИЛИГИ
ВА САМИМИЙЛИГИНИ
АМАЛДА КЎРСАТГАН
СИЁСАТЧИНИ ҲАМ,
ЖУРНАЛИСТНИ ҲАМ
БИР УМР КЎПЛИК
ҚИЛАРКУ, АНЧА ВАҚТ
ҲУРМАТ ҚИЛСА, ЯХШИ
КЎРСА БЎЛАДИ.

ЧАНГ, ЁМҒИР ВА МЎҶИЗА

Чанг-тўзон бир-икки кунда дунёни бузди. Олам хиралашди, нафас оғирлашди. Кўзингни очишинг билан туш кўргандай деразага чопасан. Тепа қаватдаги деразадан қарайсан, шаҳар тугаб, қишлоқлар бошланади, тикилиб қарайсан, қишлоқлар тоғларга уланиб кетган бўлади.

Тоғларга талпиниб, тасаввур қиласан, она қуш дунёдаги ҳамма меҳрни жамлаб, полопонига егулик олиб учаётган, икки жонзот икки қоядан туриб бир-бирига дил изҳори қилаётган бўлади... Охири ёмғир ёғди. Ғуборлар ариди, кўнгил ювилди.

Кўчалар ораста, Тошкентда қандайдир мухташамлик, бутун Ўзбекистон кечагина келин туширган ховлидек хурсанд.

Тиниқлик яхши, эҳтимол мўҶижавий ҳодиса. Қарасанг, бор нарса борида кўрингани учун боридан ҳам чиroyлидек кўринади.

Табиат азалий ва буюк мураббий. Бир-икки кунлик чанг-ғуборни бошимизда айлантириб, тиниқлик ва тўғрилиқнинг ҳикматини эслатди, хулоса қил, ўзингни ва ўзгаларни бил, деди гўё.

ҒУБОР ВА ҒАМГИНЛИК

Асрлар давомида бошимиздан ўтган маданий, маърифий ва сиёсий кечмишлар одамларни ҳуркадиган, тортинадиган, очилиб гапирмайдиган қилиб қўйганга, қалбларнинг тўрига ғуборлар тўлиб қолганга ўхшайди. Бир ўйласак, аждодларимиз қайси даврда давлат билан очилиб, эмин-эркин гаплашган ўзи, деган савол келади.

Ундан уёғини билмадикку, хонлиги амирликлар замонидан совет даврига, яқин-яқингача давлат, сиёсат билан одамлар ўртасида нўноқлик ва феодалча тамойил устувор бўлгандек туюлади. Бўлмаса, дунёнинг нарги нўноқликларидан осмонга учиш ҳақида ўйланётганида, бизнинг қадимий шаҳарлардаги ғамгин бозорларда чопонга ўраниб, офтобда

қизарган юзи билан не бир ҳасратларда ўй сурган кишилар хаёлга келмасди.

Келган давримиз, кўраётган кунларимиз шукрини айтган ҳолда, нега бизни жамоат яшаш ғайратига келганда, ўзгарамиз, янгиланамиз, деган қақирқилар бўлганда, ишонқирамай, ғамгинлик рутубатидан қутула олмаётгандек туюлмоқда, деган мулоҳаза ҳам келади.

Ислохот ёмғири ёғиб турган, ғуборлар ювилаётган пайтда, нега ислохотлар қозони бир хил қайнамаётми, марказдан узоқлашилгани сари бюрократия ва сиёсий нўноқликнинг орқаси кўриниб қолмоқда, деган саволлар безовта қилади.

Халқ ҳеч қачон айбдор бўлиши мумкин эмас. Тиниқлик, тўғрилиқ ва самимият раҳбарлар ва сиёсатчилардан бошланади. Одамлар аввал кутади, кутгани кўринганда, ҳақиқий интилиш рўй беради. Ижтимоий-маданий ғамгинликни, эски ғуборларни самимият ва озроқ сиёсий романтик кайфият енгиб ўта олади. Ўрнак бор, ўрганиш кам.

СИЁСАТ ВА САМИМИЯТ

Янги беш йиллик бошланиши муносабати билан улкан ва қатъий ғоя-ташаббуслар, муҳим вазифалар белгиланди. Маъно-мазмунни жиҳатдан мутлақо янги жамиятни юзага келтириш ҳаракатларига сиёсий старт берилди.

Ғоя ва вазифаларни жамоатчиликка тушунтиришда раҳбарлар ва сиёсатчиларнинг ибрати жуда муҳим. Шунинг учундир кўплаб раҳбарлар, депутат ва сенаторлар, олимлар ва бошқа фаоллар фикр, муносабат билдиришга, ислохотларда иштирокчи эканини айтишга, тушунтиришга уринишмоқда.

Касб тақозоси билан, шунингдек, ўрганиш ва ўрнатилиш учун имкон қадар кўпроқ муносабатлар билан танишишга ҳаракат қилмоқдамиз. Гапирётган ва ёзаётганларнинг ҳаммалари саломат бўлишини, барчалари яхши одамлар, яхши кўриб, қадрлаймиз.

Лекин, афсуски, кўнгилга қараб айтганда, айрим муносабатларда самимият сезилмайди. Тўғри, ҳамма ҳам ичидаги кайфиятни тилига, қозғаларга тўлиқ чиқариб бера олмайди. Барибир, самимият шундай нарсаки, келишмаган жумлаларда ҳам сезилади. Таҳририят ходимларининг озроқ меҳри қўшилса, таъмга қиради.

Икки қатор матн ёзиш учун ёки минбарга чиқиб, икки оғиз гап гапириш учун баъзида икки кун ўқиб-ўрганиш керак бўлади. Ўрганиш учун тоқат, тоқат учун эса одам ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиши лозим эмасми?

Оммавий ахборот воситаларида чиққан, ижтимоий тармоқларга жойланган, таҳририятга юборилган муносабатларни кўриб, хафа бўласан, жуда кўнглинг юмшаб кетса, дастурўмол олгинг келади.

Ўқийсан, икки-уч варақдаги матнда муносабат билдирувчи ўз қўли билан ёзган битта гап йўққа ўхшайди баъзида. Ёзилмаган, ясалган муносабатлардаги чанглар, сиёсий ғуборлар қийнади, газетага, ўқиган одамларга азоб беради.

Очиқ чеҳра ва қалб билан мулоқотга қиринмаган икки томон бир-бирини 100 та муносабат бир томонда турсин, 100 йилда ҳам тушунмайди.

Сохта муносабатлар ва мулозаматлар ҳар қандай эзгу ғояни обрўсизлантиради, чангга қориб, амалга ошишига тўсқинлик ҳам қилар эҳтимол.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин, таҳририят бўлиб бизда ҳам айб кўп, сохталик ва қизил гапликка доялик қилганимизни ҳам тан олишимиз шарт. Бу оғир, лекин керак.

МАТБУОТ ВА САМИМИЯТ

Йиллар давомида шаклланиб қолган муносабат билдириш кампанияси сиёсатда, сиёсатчиларда, раҳбарлару амалдорларда, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, газеталарда самимият руҳини жуда қамайтириб юборди. Расмий матбуотга жамоат меҳрининг қамайтиришига журналистик характер ва самимият озайиб кетгани ҳам сабаб бўлди. Ўқийдиган эмас, кўз югуртирадиган саҳифалар кўпайди.

Матбуот ва сиёсат ўртасидаги муносабатга келсак, гап кўп, лекин маъносиз қисқа, характерсизликнинг бадални бўйинда қолади. Жамоат талабгир ва фаол харидор бўлмаган матбуот — касб самимиятининг катта қисми бой берилгани учун бадал аслида.

100 фоиз бокира, самимий матбуот, сиёсат ва сиёсатчилар ҳам бўлмаган, эҳтимол ҳеч қачон бўлмас, лекин характер лаҳзаларда ўтиб кетадиган ҳолатларда кўринади. Тўғрилиги ва самимийлигини амалда кўрсатган сиёсатчини ҳам, журналистни ҳам бир умр кўплик қиларку, анча вақт ҳурмат қилса, яхши кўрса бўлади.

ЎЗГАРИШ, ЯНГИЛАНИШ АЗОБИ

Одам дунёни ўзгартиришга даъвогар бўлиши мумкин, лекин бу оламда ўзини тафтиш қилиб, ўзини койиб, ўзини ўзгартиришдан қийин иш бўлмаса керак.

100 йиллик газетага муҳлис бўлган минг-минглаб инсонларга қуллук, шу газетага, умуман, матбуотга меҳрини, қалб кўрини аямай сарфлаган устозлар рози бўлсин, ўтганларни руҳи шод бўлсин, қарзимиз кўп.

Қарзимизни узиш учун ҳаракатда, изланишда, лекин санаш қийин бўлган омиллар сабаб жараён оғир кечаяпти. Икки кўнгилнинг кенг бу оламда бир-бирини топиб, юлдузи юлдузига тушиши, тушуниши учун қанчалик омад керак бўлса, бизга ундан кўпроқ меҳнат ва машаққат зарур.

Жуда кўп тилаклар ва сифатларни айтиш мумкинку, лекин қисқаси шу: ақл ва меҳр қўшилмаган муносабатлар ва материаллардан бизни ҳимоя қилинг, жўнатсангизу чиқара олмасак, хафа бўлманг, тушунинг. Кейин илтимос, катта ва жиддий масалаларда илтимос қилманг. Таниш-билишчилик, деган ўта нозик жойимиздан олманг, кўнглимиз бўшроқ.

Бир-икки кун эмас, ундан сал кўпроқ чанг-тўзонда қолиб кетган эдик. Энди ислохотлар ёмғирида сайр қилмоқчимиз, ғуборлардан фориг бўлмоқчимиз, озроқ романтик бўлишимизга имкон беринг!

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА 2022 ЙИЛДА ҚАЙСИ ДАВЛАТ ИДОРАСИ БЮДЖЕТДАН ҚАНЧА МАБЛАҒ ОЛАДИ?

Бюджет лойиҳасига кўра:

(Жорий харажатлар, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун қўйилмалар)

1. Халқ таълими вазирлиги — **25,8 трлн** (22,1 трлн)**;
2. Мактабгача таълим вазирлиги — **6,5 трлн** (5,4 трлн);
3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги — **4,1 трлн** (2,8 трлн);
4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги — **3 трлн** (3,4 трлн);
5. Маданият вазирлиги — **728 млрд** (844 млрд);
6. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги — **1,14 трлн** (893,5 млрд);***
7. Инновацион ривожланиш вазирлиги — **843,3 млрд** (748,4 млрд);
8. Уй-жон коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги — **1,324 трлн** (1 трлн);
9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги — **615,8 млрд** (494 млрд);
10. Сув хўжалиги вазирлиги — **3,440 трлн** (2,826 трлн);
11. Энергетика вазирлиги — **55 млрд** (43,8 млрд);
12. Транспорт вазирлиги — **5,877 трлн** (4,95 трлн);
13. Экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш давлат кўмитаси — **38,4 млрд** (44,7 млрд);
14. Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси — **1,1 трлн** (1,3 трлн);
15. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси — **186,6 млрд** (12 млрд);
16. Туризмни ва спорт вазирлиги — **1,7 трлн** (1,242 трлн);
17. Саноат хавфсизлиги кўмитаси — **14,3 млрд** (12,8 млрд);
18. Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси — **136,8** (58,2 млрд);
19. Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш кўмитаси —

246,8 млрд (274,1 млрд);

20. Монополияга қарши курашиш кўмитаси — **8,9 млрд** (7,6 млрд);
21. Ўзстандарт — **17,5 млрд** (16,4 млрд);
22. Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги — **3,5 млрд** (ўзгартирилган);
23. Давлат активларини бошқариш агентлиги — **10,7 млрд** (7,2 млрд);
24. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги — **1,254 трлн** (515,5 млрд);
25. Давлат статистика кўмитаси — **264,6 млрд** (290,6 млрд);
26. Қурилиш вазирлиги — **358,9 млрд** (289 млрд);
27. Ташқи ишлар вазирлиги — **577,1 млрд** (553,9 млрд);
28. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги — **415,8 млрд** (340,1 млрд);
29. АТ ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги — **160 млрд** (134,2 млрд);
30. Адлия вазирлиги — **164,9 млрд** (146 млрд);
31. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги — **769,2 млрд** (556,8 млрд);
32. Молия вазирлиги — **73,5 трлн** (54,3 трлн)*;
33. Давлат солиқ кўмитаси — **1,5 трлн** (1,076 трлн);
34. Ҳукумат — **1,6 трлн** (1,5 трлн);
35. Президент Администрацияси — **795,1 млрд** (784,3 млрд);
36. Сенат — **148,2 млрд** (29,4 млрд);
37. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси — **237,9 млрд** (163 млрд);
38. Омбудсман — **8,3 млрд** (4 млрд);
39. Бош прокуратура — **1,357 трлн** (1,376 трлн);
40. Олий суд — **1 трлн** (635,6 млрд);
41. Конституциявий суд — **12,2 млрд** (3,6 млрд);

42. Судьялар олий кенгаши — **33,1 млрд** (17,4 млрд);
43. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги — **20 млрд** (15,4 млрд);
44. Марказий сайлов комиссияси — **11 млрд** (304 млрд);
45. МТРК — **561,4 млрд** (427,3 млрд);
46. ЎЗА — **20,6 млрд** (27,6 млрд);
47. "Ўзархив" — **10,4 млрд** (8,4 млрд);
48. Инновацион соғлиқни сақлаш палатаси — **2,1 млрд** (2,4 млрд);
49. Маънавият ва маърифат маркази — **62,3 млрд** (7 млрд);
50. Ўзгидромет — **180,7 млрд** (64 млрд);
51. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ — **11,4 млрд** (9,6 млрд);
52. Ёшлар ишлари агентлиги — **212,8 млрд** (157 млрд);
53. Маҳалла вазирлиги — **57,4 млрд** (140 млрд);
54. Касаба уюшмалари федерацияси — **120 млрд** (ўзгартирилган);
55. ЎзФА — **328,2 млрд** (260 млрд);
56. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги — **230 млрд**;
57. Ҳисоб палатаси — **60,4 млрд**;
58. Президент таълим муассасалари агентлиги — **430,5 млрд**;
59. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги — **90 млрд**;
60. Кинематография агентлиги — **233 млрд**;
61. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги — **87,4 млрд**;
62. Стратегик ривожланиш агентлиги — **7,5 млрд сўм**;
56. Бошқа ташкилотлар — **29 трлн** (23,5 трлн).

Изоҳ*: Молия вазирлиги харажатлари кесимида жуда кўплаб ижтимоий харажатлар, ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш ва бошқа харажатлар ўрин олган.

Изоҳ:** ўтган йилги харажатлар.

Изоҳ*:** тугатилган ёки бошқа ташкилотга қўшиб юборилган.

* Молия вазирлиги ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.

Кунига республика бўйича 4 минг бемор гемодиализ, сунъий буйрак аппаратида. 1 кунда 1000 дан ортиқ бемор сунъий аппаратда гемодиализ ўтказяпти.

17-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№46 (32688)

ТАНА АЪЗОЛАРИ
ҲАМДА ТЎҚИМАЛАР
ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИГА
ОИД МАСАЛАЛАР,
ЯНГИЛИКЛАР
КЎПЧИЛИКНИ
ҚИЗИҚТИРИШИ ТАБИИЙ.
ИНСОН ОРГАНИ
ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ
БИР ҚАТОР ЖИДДИЙ
КАСАЛЛИКЛАРНИ ТЎЛИҚ
ДАВОЛАШНИНГ ЯГОНА
УСУЛИ ҲИСОБЛАНАДИ.



«ТИРИК ДОНОР»

БЎЛИШГА РУХСАТ БЕРИЛИШИ МУМКИН

Маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили 136 мингдан ортиқ орган трансплантацияси амалга оширилади. Аммо ҳар йили операцияларга қараганда 40 фоиздан кўпроқ беморлар орган трансплантациясига навбатда туради, бу эса бундай беморларни даволаш учун донорларга доимий эҳтиёж борлигидан далolat беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Депутатлар инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси учун беморнинг яқин қариндоши бўлиши керак, деган чекловни бекор қилишга оид қонун лойиҳасини маъқуллади. Унга кўра, донор сифатида ўз аъзоси олинмишига ихтиёрий равишда, бепул асосда, нотариал тартибда розилик берган инсон тушунилади.

Амалдаги тахрирда донор-беморга трансплантация қилиш учун органлари, тўқималари ва (ёки) ҳужайраларини ўз ихтиёри билан бераётган инсон тушунилади, у уч йилдан ортиқ никоҳда бўлган эр-хотинлар ва уларнинг олдинги турмушидан бўлган фарзандлари, тўғри ва ён тарафдан бўлган қариндошлари, шунингдек, ўғай ота, ўғай она, ўғай ўғил, ўғай қиз ва оила ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фарзандликка олинган болалар тирик донор бўлиши мумкин эди.

Айтиш керакки, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аъзолар ва тўқималар трансплантациясини бажаришдаги мақсадлар ва шартларни аниқлаган ҳолда, касалланиш ва аъзолардаги қайтариб бўлмайдиган жараёнлар туфайли ўлимга олиб келувчи ҳолатларнинг қисқаришига олиб келади.

Албатта, трансплантология хизмати йўлга қўйилишининг аҳамияти аслида жуда катта. Бу бир томондан реципиент ҳаётининг сақлаб қолиш учун муҳим бўлса, иккинчи томондан беморнинг вақти ва маблағи иқтисод қилинади. Демак, бу нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий масала ҳамдир.

Қонун лойиҳаси орқали инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси учун беморнинг яқин қариндоши бўлиши керак, деган чеклов бекор қилинмоқда. Унга кўра, эндиликда донор сифатида ўз аъзоси олинмишига ихтиёрий равишда, бепул асосда нотариал тартибда розилик берган инсон тушунилади.

Инсон аъзолари ва тўқималарини кўчириб ўтказиш масаласи бизда узоқ йиллардан бери муаммо бўлиб келаётган эди, дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова. Амалдаги қонунчиликка кўра, айнан трансплантацияда органларни қимлар бера олади, ким донор бўла олади, деганда яқин

қариндошлар белгилаб берилган. Яъни, донор фақат яқин қариндош бўлиши мумкин. Лекин энди ўйлаб кўрайлик, яқин қариндош органини бераман, деганда ҳам тўғри келмаган ҳолатлар бўлиши мумкин. Лекин қариндош бўлмаганда, донор бўлишга рози бўлган киши топилса, бунга қонун йўл қўймайди. Бундай вазиятда мажбурликдан айрим фуқароларимиз чет давлатларга бориб, 15 мингдан 250 минг АҚШ долларигача бўлган нархларда жарроҳлик амалиётини ўтказишга мажбур бўляпти. Лекин шунга эҳтиёжи бор беморларнинг барчаси ҳам бундай имкониятга эга эмас. Даромади яхши, пули борларга бу муаммо бўлмас, лекин маблағи йўқлар-чи? Хорижда операция қилдиришнинг ўзи бўлмайди. Даволаниш учун пул тўлашдан ташқари камида у ерда яшаш, йўл харажатлари турибди... Шу томондан ўйлаб қарасак, қонун нечоғди аҳамиятга эгалиги яққол намоён бўлади.

Жорий йилнинг 17-23 сентябрь кунлари қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида биз махсус ишчи гуруҳи билан ҳудудларда лойиҳадаги нормалар ва киритилган янгиликларни жамоатчиликка тушунтиришга қаратилган тадбирлар ўтказдик.

Ҳудудларда инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантациясига иши тушган, ушбу муаммони ўзи ёки яқинлари бошдан кечирган фуқаролар, беморлар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг таклифлари олинди. Ушбу таклифлар қонун лойиҳасини маромига етказишда фойдаланилди ва улар асосида лойиҳада бир қатор ўзгаришлар киритилди. Тадбирлар давомида билдикки, ушбу қонунни қабул қилишга эҳтиёж бор, бундан одамларимиз кутяпти.

Айтиш керакки, қонун лойиҳасига кўра, эндиликда "тирик донор" тушунчаси киритилди. Яъни, қонун лойиҳаси "Тирик донордан аъзоларни ёки тўқималарни трансплантация учун олиш фақат ретципиентнинг соғлигини кўзлаб ҳамда муқобил даволаш учун мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилиши мумкин", деган норма билан тўлдирилди. Тирик донор ўзидан аъзолар ва (ёки) тўқималарининг трансплантация учун олинмишига ихтиёрий равишда, бепул асосда, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилик бериши керак. Бу дегани ҳар қандай фуқаро ўзининг розилиги билан донор бўлишга ҳақли. Энди фақат қариндош-уруғчилик билан чегараланиб қолмасдан, бу кенгайди.

Фақат донорнинг хоҳиши бўлган тақдирда ҳам, саломатлиги тўлиқ бўлиши керак. Инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарини олишга, агар улар трансплантация қилиш учун инсон аъзолари ва тўқималари донорлигига қарши кўрсатма мавжуд бўлган касалликлар рўй-

хатиға кирувчи касаллиги бўлган ёки илгари шундай касалликка чалинган тирик донорга ёхуд инсон мурдасига тегишли бўлса, йўл қўйилмайди.

Хусусан, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга (бундан суяк илигини трансплантация қилиш ҳоллари мустасно), белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганларга, шунингдек, руҳий ҳолатнинг бузилишларига (руҳий касалликларга) чалинган шахслар донор бўла олмайди. Қамоқда ёки озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомилдор аёллар, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйларида яшовчилар ҳам донор бўла олмайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет элликлар бўлган реципиент учун донор бўлиши мумкин эмас.

Донор бўлман, деган мақсаднинг негизда кўп масала ётибди. Айтилик, пулга муҳтож бўлгани учун ўз аъзосининг биттасини бераман, деганлар ҳам кўпайиши мумкин. Биз шундай ҳолатларни тартибга солишга ҳам эътибор қаратдик. Масалан, "Саховат", "Мурувват" уйларида яшовчиларни биз донор бўла олмаслигини

белгиладик. Чунки бу ерда яшовчилар ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, иқтисодий қийинчиликка тушган пайтда, ўз муаммосини ечиш учун бирор бир органини беришга ҳаракат қилиши мумкин. Умуман олганда, киши ўзи хоҳлайман, дегани билан бунинг ҳам ўзига яраша тартиби бор. Чунки, мақсадимиз битта, ногиронни даволайман, деб иккинчи одамни ногирон қилиб қўйишимиз керак эмас, дейди Қизилгул Қосимова. Яна бир масала. Қонун коррупцияга йўл очиб бермайдими, деган савол туғилади. Яъни, у беморнинг қариндоши бўлмаса, пул учун ўз органини сотиши мумкин. Лекин бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Биринчидан, бу ишни қиламан, деган одам айнан Ўзбекистонда сотаман, дейиши шарт эмас. Бизда бу қонун қабул қилинмаса, улар бу ишни чет элда ҳам амалга ошириши мумкин. Шуларни инобатга олиб, ушбу қонун қабул қилинаётганда параллел равишда иккинчи қонун ҳам қабул қилинади. Бу қонун лойиҳаси билан ҳозир иккинчи ўқишда қабул қилиниб, учинчи ўқишда тайёргарлик кўрилмоқда. Бунда Жиноят Кодексининг 5 та моддасига тах-

ририй ўзгартиришлар киритиляпти. Айнан трансплантация учун ноқонуний қилинган ишларга жавобгарлик белгиланяпти. Бундан ташқари, Жиноят процессуал Кодексига ҳам ўзгартиришлар киритиляпти.

Ҳозир бизда биргина буйракни оладиган бўлсак, 1 ярим мингтаси кўчириб ўтказишга зарур бўлиб турибди. Кунига республика бўйича 4 минг бемор гемодиализ, сунъий буйрак аппаратида. 1 кунда 1000 дан ортиқ бемор сунъий аппаратда гемодиализ ўтказяпти. Биз ноқонуний ҳаракатлардан чўчиб, қонунни тўхтатсак, бундан қанчадан-қанча одамлар жабр кўради, касалликдан қийналади. Шу томондан, ўйлаб қарасак, қонун бизга керак ва уни қабул қилишимиз зарур, деб ўйлайман.

Яна бир масала. Тирик донорнинг ундан аъзоси ва (ёки) тўқималарини олиш учун розилик беришга мажбурлаш тақиқланади.

Албатта, мамлакатимизда трансплантология хизмати йўлга қўйилишининг аҳамияти жуда катта. Ҳозир ушбу ноёб тиббий хизматни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Дунёнинг санокли давлатларидагина амалга оширилувчи бундай юқори технологиялик операцияларнинг ўзимизда да бажарилиши ҳам катта ютуқ, аслида. Эндиликда унинг кўламини имкониятлари янада кенгайди. Бу билан юзлаб, минглаб юртдошларимиз ҳаётга қайтди. Энг муҳими, шу. Кимидир яқинлари бағрига, оиласига қайтишидир.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.

СУД ВА ҲУҚУҚ

Мақом ва мустақиллик

"Судлар тўғрисида"ги қонун янги тахрирда қабул қилингандан кейин суд тизими ўзгарди, судларга оқлатилган вазифалар доираси кенгайди.

Фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунлар, халқаро шартномаларда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари билан бирга, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини химоя қилиш судларнинг асосий вазифаси экани белгиланди.

Қонунда судьялар мақоми, уларнинг мустақиллиги кафолатлари ва судья лавозимига номзодлар ва сайланган шахсларга қўйилган талаблар халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги қайта кўриб чиқилган, судьяларнинг ваколатларини бекор қилиш асослари ва тартиби аниқлаштирилиб, ижтимоий химояси назарда тутилган.

Ҳўш, судья қай ҳолатда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин? Қонунда одил судья судловни амалга оширишда қонунийликни бузганлик учун, суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, судьялик шъъни ва кадр-қимматида доғ туширадиган ҳамда суднинг обрўсизлантирадиган ноҳўя хатти-ҳаракат содир этгани учун, шунингдек, Судьялар одоби кодекси талабларини бузганлик учун интизомий жазолар қўлланилиши белгиланган.

Судьяларни моддий қўллаб-қувватлашга келадиган бўлсак, қонун уларга уй-жой олиш ва ижарадаги турар-жой бинолари учун компенсация олиш имкониятини беради.

Ваколат муддати тугаган судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги муддатга қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш тўғрисидаги масала халқ қилинаётган даврда ёхуд бошқа иш берилгунига қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Судьяларга уларнинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин улар судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган лавозими берилди. Бундай иш мавжуд бўлмаганда эса аввалгисига тенг бошқа лавозим берилди.

Суд мажлисида ҳозир бўлган шахслар ва ОАВ вакиллари қонунда белгиланган тартибда фотосуратга олиши, видео ва аудио ёзувни амалга ошириши мумкин.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Судья Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси олинмасдан ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Судья тегишли судьялар малака ҳайъатининг ҳулосаси олинмасдан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. «Судлар тўғрисида»ги қонундаги бу каби қоидалар судьяларнинг нафақат одил судловни амалга оширишга, балки ўзининг профессионал вазифасини ҳалол ва пок равишда бажаришига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини фақат қонун талаблари асосида химояланишига хизмат қилади.

Фақат бунинг учун ҳар бир судья қонун ва виждони олдида тўғри ишлаши зарур.

Фаррух САМАТОВ,
Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

17-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№46 (32688)

НУРЛИ МАНЗИЛЛАРНИНГ БУНЁДКОРЛАРИ



ЭЛЛИКҚАЛЪА НАФАҚАТ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА, БАЛКИ МАМЛАКАТИМИЗ МИҚЁСИДА ҲАМ ЎЗ ЎРНИГА ЭГА БЎЛГАН ТУМАНЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. БУ ТУМАН ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНДА, АЙНИҚСА, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АҲЛИ ЎЗЛАРИНИНГ ЁРҚИН ТААССУРОТЛАРИНИ МАРОҚ БИЛАН СЎЗЛАБ БЕРГАНИГА КЎП БОРА ГУВОҲ БЎЛГАНМАН. ТУМАНДА КЎП ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ҲАР ИККИ ЙИЛДА БИР МАРТА ОТАЖОН ХУДОЙШУКУРОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ ХОНАНДАЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ, ШУНИНГДЕК, РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЕТУК ШОИРЛАРИ ВА ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ИШТИРОКИДА АНЪАНАВИЙ РАВИШДА "АҚЧАКЎЛ ИЛҲОМЛАРИ" ИЖОДКОРЛАР АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛГАНИ ҲАМ ЭЛЛИКҚАЛЪАЛИКЛАРНИНГ САНЪАТНИ, АДАБИЁТНИ, ТАРИХНИ, ЎЗИНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДЛАРИНИ ҚАДРЛАШНИ, ЭЪЗОЗЛАШНИ КЎРСАТАДИ.

АСЛИДА ҲАМ ШУНДАЙ. ЗЕРО, БУ ТУПРОҚДА КЎП УЛУҒ ИНСОНЛАР ТУҒИЛИБ ВОЯГА ЕТГАН, ЯШАБ ЎТГАН, МЕҲНАТЛАРИ, ИСТЕЪДОДЛАРИ, АҚЛ-ТАФАККУРЛАРИ БИЛАН ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛГАНЛАР. "ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАЙ ҚОЛМАС", ДЕГАНЛАРИДЕК, БУГУНГИ КУНДА ҲАМ ТУМАНДА ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА БЎЛГАН АНА ШУНДАЙ ФИДОЙИ ИНСОНЛАР КЎПЛАБ ТОПИЛАДИ. АЙНИҚСА, ЁШЛАР ОРАСИДА ИЗЛАНУВЧАН, БИЛИМЛИ ВА ЗАКОВАТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИНГ КЎПЛИГИ ҲАМ КИШИНИ ҚУВОНТИРАДИ. ОЙБЕК МИРИШОВ МАНА ШУНДАЙ ЁШЛАРДАН БИРИ. АЙНИ ПАЙТДА "ТУПРОҚҚАЛЪА МАХСУС ҚУРИЛИШ" КОРХОНАСИДА МОДДИЙ ТАЪМИНОТ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ БЎЛИБ ИШЛАЁТГАН БУ ИНСОН БИЛАН СУҲБАТЛАШСАНГИЗ, ОТА КАСБИНИ МУНОСИБ ДАВОМ ЭТТИРАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛАСИЗ.



— Отам Ободжон акани кўпчилик тажрибали қурувчилардан бири сифатида яхши билади, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бу албатта, менга ҳар доим фахр бағишлайди. Ана шу фахрланиш туйғуси мени ҳам шу соҳани ўрганишга етаклади. Ҳар доим отамга муносиб фарзанд, қолаверса, издош бўлишга ҳаракат қилдим. Ота-онам фарзандларининг олий маълумотли бўлишини исташган ва қўлларида келганича имконият яратиб беришган. Бунинг учун улардан

доим миннатдоримиз. Олий таълим даргоҳларида ўқишни тамомлагач, болалик орзуимни амалга оширишга ҳаракат қилдим, яъни отамнинг ёнига кириб, ҳамфирликда иш бошладим. Ўтган йиллар давомида кўп нарсани ўргандим. Ҳалоллик билан иш юритиш, ишончли оқлаш инсонга ҳар доим муваффақият, қут-барака келтиришига қайта-қайта ишонч ҳосил қилдим.

Ойбекжоннинг отаси ҳақида фахрланиб гапириши бизнинг ҳам кўнглимизга ажиб бир ёруғлик олиб кириб, Ободжон ака билан яқиндан танишиш истаги пайдо бўлди. Бу истакни суҳбатдошимизга айтганимизда отаси билан кўнғироқлашиб бизнинг ниятимиздан хабардор қилди. Ободжон ака рози бўлгач, у кишининг олдида бордик ва суҳбатимиз бир пиёла чой устида давом этди.

Самимий ва камтар бўлган Ободжон ака билан суҳбатимиз давомида шунга ишонч ҳосил қилдикки, Қорақалпоғистон Республикасидаги кўплаб бино-иншоотларнинг барпо бўлишида у кишининг ҳам муносиб хизмати сингган экан. Хусусан, энг йирик

» **ҲАР ДОИМ ОТАМГА МУНОСИБ ФАРЗАНД, ҚОЛАВЕРСА, ИЗДОШ БЎЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИМ. ОТА-ОНАМ ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ БЎЛИШНИ ИСТАШГАН ВА ҚЎЛЛАРИДАН КЕЛГАНИЧА ИМОКНИЯТ ЯРАТИБ БЕРИШГАН. БУНИНГ УЧУН УЛАРДАН ДОИМ МИННАТДОРМИЗ.**

ишлаб чиқариш иншоотларидан бўлган Қўнғирот сода заводининг, шунингдек, Эллиққалъа текстиль корхонасининг қурилишларида қатнашган.

— Қурилиш соҳасида иш олиб бораётганимга ҳам 40 йилдан ошиқ вақт ўтибди, — дейди у киши ўйчанлик билан. — Бу йиллар давомида Эллиққалъа, Беруний, Тўрткўл, Нукус туманларида кўплаб қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга оширдик. Қурган иншоотларимни ҳисоблаб чиқдим, 200 дан ошди. Шунда босиб ўтган ҳаёт йўлимга боқиб, умрим беҳуда кетмаётганига шукрона келтирдим. Энди айтсам, бу ишларимизнинг асосий қисми мустақиллик йилларига тўғри келади. Давлат дастурлари асосида замонавий уй-жойларни, таълим даргоҳларини, санъат масканларини, банк биноларини барпо қилдик. Амударё ва Хивадаги кўприк қурилишида ҳам корхонамиз муносиб иштирок этди. Мамлакатимиз тараққиётининг кейинги беш йили давомида қурилиш-бунёдкорлик ишлари янада жадаллик билан амалга оширилмоқда. Аҳолини, айниқса, кам таъминланган инсонларга уй-жойларнинг қуриб, фойдаланишга топширилаётгани мени жуда қувонтиради.

Ободжон ака, маҳалладошларининг таъбири билан айтганда, ёшулли бўлишига қарамасдан ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. "Тупроққалъа махсус қурилиш" корхонасига раҳбарлик қилиб, ўзининг кўп йиллик тажрибасини шогирдларига, ходимларига ўргатмоқда. Ойбекжон унинг ўнг қўли. Ота-бола ҳар бир ишни бамаслаҳат амалга ошириб келишмоқда. Замонавий, сифатли бино-иншоотларни қуриб, эл-юртнинг дуосини олишяпти.

— Мен ҳар бир фарзандимнинг зиёли, ўқимишли бўлишини орзу қилардим, — дейди Ободжон ака. — Турмуш ўртоғим Зебунисоҳон билан ана шу орзунни амалга оширишга чин кўнгилдан, астойдил ҳаракат қилдик. Яратганга шукр, бу ҳаракатларимиз ўзининг самарасини берди.


Фарзандларим орасида илм оламининг вакиллари борлигидан ғурурланаман.

Ободжон ака раҳбарлик қилаётган 4 та корхонада 200 нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатмоқда, уларнинг аксарияти эса ёшлар.

— Бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани бизга кўплаб имкониятлар яратмоқда, — дейди "Тупроққалъа махсус қурилиш" корхонаси директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Фарҳоджон Миришов. — Хабарингиз бор, шу йил август ойида тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувда Қорақалпоғистонда тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга қўшимча имтиёзлар бериш ташаббусини илгари сурдилар. Айни пайтда республикаимизнинг турли ҳудудларидан ҳамкорларимиз кўпайиб бормоқда. Корхонамиз томонидан акфа эшик-ромларини ишлаб чиқариш цехларининг фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Ҳозирда замонавий типдаги эшик-ромларни қурилиш ташкилотлари билан бирга аҳолига ҳам етказиб бераймиз.

Халқимизда излаган имкон топар, деган ҳикматли гап бор. Бу гапнинг нечоғли ҳаётий эканига Ободжон аканин амалга ошираётган ишлари мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ҳалол меҳнати билан юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, элнинг дуосини олаётган бу инсонларнинг ибратли ишлари таҳсинга, эътирофга лойиқ. Юртимизда шундай инсонлар сафи кенгайверсин!

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



“Ватанпарвар” ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши тасарруфида айна вақтда 11 та ўқув спорт техника клуби мавжуд бўлиб, автомобилотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида бир йилда ўртача 11 минг нафардан ортиқ фуқаро ўқитилмоқда.

REKLAMA O'RNIDA

17-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№46 (32688)

“ВАТАНПАРВАР” – МЕНИНГ ТАНЛОВИМ!

2021 йил 23 НОЯБРЬ КУНИ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ “ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 30 ЙИЛ ТЎЛАДИ.

“ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ БУХОРО ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҲАМДА ТАСАРРУФИДАГИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР ЎЗИНИНГ 30 ЙИЛЛИК ТАРИХИ ДАВОМИДА ЁШЛАРНИ ВАТАНГА САДОҚАТ ВА ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, СПОРТНИНГ ТЕХНИК ВА АМАЛИЙ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ОММАВИЙ ТЕХНИК КАСБЛАРГА ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ҚИЛИНАЁТГАН САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛМОҚДА.

30 йил... Бу йиллар силсиласида “Ватанпарвар” ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларида меҳнат қилган юзлаб фидойиларнинг машаққатли хизмати бор. 1990 йилларда ташкилотда мавжуд оммавий техник касбларга мутахассисларни тайёрлаш бўйича жами 86 та автотранспорт воситаси, спорт техника ва моддий база талабга жавоб бермасди. Бугунги кунда эса кенг ва шинам, тўлиқ жиҳозланган синфхоналар, улардаги инновацион видеопроекторлар, компьютерлар жамланмаси, турли ҳаракатланувчи стендлар ва бошқа кўргазмалар, замонавий энгил, юк ва спорт техникалари, автодромлар, мотодромлар ва картодромлар ташкилотимизнинг моддий техник базаси сўнгги йилларда анчайин бойиганидан дарак беради.

Маълумки, аҳоли, айниқса, ёшларни Ватанга садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик, миллий маънавиятимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар қалбида Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш – ташкилотнинг бош мақсадларидан биридир. Бу йўналишда “Ватанпарвар” ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши нафақат мудофаа ишлари бошқармаси, ҳарбий қисмлар, Миллий гвардия, Ички ишлар вилоят бошқармаси, Бухоро шахар 32-сонли Меҳрибонлик уйи, вилоят халқ таълими, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси, олий таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотиде ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар тизимли, бошқичма-бошқич ва самарали ташкил этилган. Шу мақсадда ўқув муассасалари, маҳаллалар ҳамда энг чекка ҳудудларда, ташкилот томонидан ўтказилаётган турли маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари, учрашувларда бой ҳаётий тажрибага эга бўлган

ташкилот фахрийлари, илм-фан, маданият ва спорт соҳасида, шунингдек, турли мусобақа ва танловларда ғолиб бўлган ёш авлод вакиллари жалб этилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ой давомида ташкилот томонидан ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган 500 тадан ортиқ маънавий-маърифий, 400 дан ортиқ оммавий-спорт тадбири ўтказилди.

“Ватанпарвар” ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши тасарруфида айна вақтда 11 та ўқув спорт техника клуби мавжуд бўлиб, автомобилотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида бир йилда ўртача 11 минг нафардан ортиқ фуқаро ўқитилмоқда. Клуб бир вақтнинг ўзиде спортнинг техник ва амалий турлари бўйича секциялар ҳамда тўғрақлар фаолияти учун мўлжалланган. Ташкилот ёшларни автокросс, мотокросс, картинг, триатлон, дуатлон, ёзги биатлон, пневматик қуролдан ўқ отиш, ҳарбий амалий кўпкураш, авиамодел, ракетамодел, радиоспорт каби спортнинг техник ва амалий турларига жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларига бош-қош бўлиб келаяпти. Ҳозирда вилоят кенгаши тасарруфида 68 та секция ва тўғрақ мавжуд бўлиб, уларда 707 нафар спортга қизиқувчан ёшлар қамраб олинган.

Жорий йилнинг 10 ойида 4 та республика, 23 та вилоят, 21 та туман ва 20 та клуб мусобақалари ўтказилди. Вилоят терма жамоалари 30 га яқин республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда 3 мингга яқин спортчи билан қатнашиб, совринли ўринлар эгаси бўлди.

Маълумки, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурининг 170-бандида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти зиммасига ёшларни меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш



“

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 10 ОЙИДА 4 ТА РЕСПУБЛИКА, 23 ТА ВИЛОЯТ, 21 ТА ТУМАН ВА 20 ТА КЛУБ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ. ВИЛОЯТ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ 30 ГА ЯҚИН РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДА ЎТКАЗИЛГАН МУСОБАҚАЛАРДА 3 МИНГГА ЯҚИН СПОРТЧИ БИЛАН ҚАТНАШИБ, СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРГА ЭГА БЎЛДИ.

фарзандларидан, шу жумладан “В” тоифага 91 нафар, “ВС” тоифага 772 нафар жами 863 нафар ёшлар ҳайдовчилик курсида таълим олди.

Иккинчи босқичда эса 36 нафар автоэлектрик, 25 нафар вулканизаторчи, газ-электр пайвандчи ўқимокда. Шунингдек, эндиликда, яъни учинчи босқичда ташкилотимиз томонидан махсус синф хоналар ва амалий машғулот хоналари ташкил этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Мураккаб техникаларни бошқариш мутахассисларини тайёрлаш курслари йўлга қўйилиб, ушбу курсларда юк-ортувчи транспорт, автогидроподъёмник, юк машинаси крани, гилдиракли трактор, брита қовушли экскаватор техникаларини бошқариш бўйича мутахассисларни ўқитиш белгиланган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Ватанпарвар” ташкилоти тизимидаги оммавий техник касбларга ўқитилаётган эҳтиёжманд ёшлар учун “Тадбиркорлик асослари”, “Ёшлар ўртасида инқироз ҳолатини енгил ўтиш психологияси”, “Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ўрни” мавзуларида мунтазам равишда семинар-тренинглар ўтказилиб келинмоқда.

Оммавий техник касбларга тайёрлаш курсларида тахсил олаётган ёшлар “Ватанпарвар” ташкилоти тизимидаги пневматик қуролдан ўқ отиш, дуатлон, ёзги биатлон каби спортнинг техник ва амалий турларига жалб этиб борилмоқда. Жорий йилнинг июль-август ойларида улар ўртасида ушбу спорт турлари бўйича туман ва вилоят босқичида мусобақалар ташкил қилинди. Сараланган ёш ҳаваскор спортчилар ўртасида жорий йилнинг август ойи охирида


“Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши раиси кубоги учун Республика мусобақасида Бухоро вилояти жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, бу борада эришилаётган ютуқлар ташкилот тасарруфидаги ўқув-спорт техника клублари ва улар ҳузурида ташкил этилган спорт секцияларида етарлича шарт-шароитлар яратилгани ва бу муассасаларда сабоқ бераётган тажрибали устоз-мураббийларнинг меҳнати самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Бухоро вилоят ташкилотлари томонидан ўтказилган барча тадбирлар давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бўлиб, ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга, уларни мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган келажак авлод сифатида тарбиялашга ҳисса қўшади.

Рустам БАЁЗОВ,
“Ватанпарвар” ташкилоти
Бухоро вилояти кенгаши раиси.

вазифаси юклатилган.

Давлат дастурида ушбу механизм 3-босқичда амалга оширилиши белгиланган. Мана шу топшириқлар ижросини таъминлаш борасида “Ватанпарвар” ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда кенг қўлланма ишлар олиб борилди. Жумладан, биринчи босқичда “Ёшлар дафтари” рўйхатига киритилган кам таъминланган оилаларнинг





Qoraqalpogiston
Respublikasi
Хоразм



Бухоро
Навоий



Ташкент
Самарқанд
Жиззах
Сирдарё



Қашқадарё
Сурхондарё



Андижон
Наманган
Фарғона



Ташкент
шаҳри

TA'LIM

Ҳар ҳафта дарслардан сўнг ўқитувчилар битта синф хонасига ўқиган китоблари билан кириб менинг ўзимга хос имтиҳонимдан ўта бошлашди. Ишонинг, мактабимизда янги ҳаёт бошланди. Энди ўқитувчилар бир-бирлари билан китоблар алмашадиган, янги китоблар учун китобхоначимизга буюртма берадиган бўлишди.

17-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№46 (32688)



ГУЛНОРА ОПА ЯРАТГАН ГУЛБОҒ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MAKTABLARI ICHIDA 1-ЎРИННИ ЭГАЛЛАГАН НАВОИЙ ШАҲАРДАГИ 11-ДАВЛАТ ИХТИСОСЛАШГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ РАҲБАРИ ГУЛНОРА ЖУМАНИЁЗОВАГА РАМЗИЙ КУБОК ВА МЕДАЛ ТОПШИРИЛДИ. БИЗ ПЕДАГОГИК ЖАМОАНИ ЮТУҚ БИЛАН ТАБРИКЛАДИК ВА МАКТАБ РАҲБАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР ТАШЛАДИК...

"Эй ўғил! Қайси фан бўлмасин, то уни муқаммал эгалламагунингча ҳаракатни тўхтатма, бир илм иккинчи илмни эгаллашга ёрдам беради. Бир илмни эгаллашга ақлинг йўл бердим, уни охиригача эгалламай туриб, чала ташлаб кетма" – Шероийнинг ушбу ўғитлари 38 йиллик педагогик иш стажига эга ўстоз Гулнора Жуманиёзова иш столи устида туради.

Ҳозир раҳбарлик қилаётган мактабга ишга келганида жамоадаги ўқитувчиларда қандайдир тушқин кайфиятни дарҳол сезди. Унинг учун энг муҳими аввало ўқитувчиларни руҳлантириш эди.

Гулнора Жуманиёзова бошида осон бўлмаган. Айниқса, физика, математика, алгебра, геометрия каби аниқ фанлар билан биргаликда география, биология, зоология, кимё ва жисмоний тарбия, технология каби фан ўқитувчилари дарсликдан ташқари бадиий адабиёт ўқишни деярли тўхтатиб қўйгани маълум бўлиб қолди. Кейинчалик Гулнора опанинг ўзи ўтган кунларини шундай эслайди: "Гўё уларга адабиётнинг дахли йўқдек. Қўшимча китоб ўқиб, бадиият оламига ошно бўлишга, уларнинг ўзлари менга раҳмат айтишди".

Ўқитувчини руҳлантиришни йўли битта – уларни чинакам китобга ошно қилиш. Инсон китобдан нур олади. У шундай нурки, ўздан ёруғлик билан биргаликда қувват таратади.

Педагогик кенгашда ўқув дарсликлари билан ташқари ҳар ҳафтада иккита роман ёки учта қисса ва ҳикоялар тўпламини ўқиб, маъно ва мазмунини ёзиб бериш топшириғини бердим. Ҳар ҳафта дарслардан сўнг ўқитувчилар битта синф хонасига ўқиган китоблари билан кириб менинг ўзимга хос имтиҳонимдан ўта бошлашди. Ишонинг, мактабимизда янги ҳаёт бошланди. Энди ўқитувчилар бир-бирлари билан китоблар алмашадиган, янги китоблар учун кутубхоначимизга буюртма берадиган бўлишди. Бора-бора уларнинг ҳар бирининг уйида уй китобхоналари пайдо бўлди. Ҳамма ўқишга киришди. Китоб ўқиб юрган ўқитувчининг дунёқарашини ҳам ўзгара боради. Кайфиятида кўтаринкилик яққол сезилиб турарди, – давом этади Гулнора опа.

Ўқитувчилар компьютер саводхонлигини эгаллагач, имкониятлар янада кенгайди. Аммо, опа ўқитувчилардан китобни босма нашрда ўқишни кўпроқ талаб қилади. 11-мактабда йил бошида ҳамма ўз ихтиёри билан газета ва журналларга обуна бўлади. Мактабга келадиган босма нашрлар уйга бериб юборилмайди.

Унинг мактабига ишга қабул қилган ўқитувчилар деярли барчаси ижодкор. Истеъдоднинг қирраси биттагина бўлмайди. У шеър ва ашула айта билиши, рақсга тушиши, бирор мусиқа асбобини чала олиши, расм чизиши ёки спортнинг бирор турини эгаллаган бўлиши керак.

У ўзининг бошқарув фаолиятини илмий асосда ташкил этиб, педагогик ходимлар фаолиятини такомиллаштириб бориб ўқув жараёнини ривожлантиришнинг энг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиши натижасида бугунги кунда 195 нафар ўқитувчидан 35 нафари олий тоифали, 50 нафари биринчи тоифали, 54 нафари иккинчи тоифали педагоглар бўлди.

Инновацион иш тажрибаларини ва фан-техника ютуқларини педагогик фаолиятга татбиқ этиб, касбий фаолиятга ижодий ёндошувда талабчанлик ўз мевасини берди.

Энг қувончлиси технология фани ўқитувчиси Муродбек Турниёзов "Меҳнат шўҳрати" ордени билан, география фани ўқитувчиси Рустам Абдиев, етакчи Муҳайё Мамуродова, маънавий ишлар бўйича директор ўринбосари Зебо Бўтаева давлатимизнинг юксак мукофоти – "Шўҳрат" медали билан тақдирланди. Ушбу мактабнинг 57 нафар ўқитувчиси "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочилиги" кўкрак нишони соҳибидир.

Ҳа, раҳбар дегани кимларгадир кескин талаб қўя олиши, керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатиб, қатъият билан иш олиб бориши, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан, кўпчилиكنи ўз ибрати билан ортидан эргаштириши, одамларда эртанги кунга ишонч уйғота олиши шарт ва зарур.

Айниқса педагогик жамоага раҳбарлик қилиш ғоят нозик ва шарафли. Гулнора Жуманиёзова мактабдаги ўқитувчиларга ҳам раҳбар, ҳам дўст. Унинг жамоа билан мақсадлари муштарак: комил инсонни тарбиялаш, излашни, интилиш, ташаббускорлик.

Кейинги беш йил ичида мактабнинг қатор ўқитувчилари "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этди. 5 нафар ўқитувчи биринчи

ўринни, 3 нафар ўқитувчи иккинчи ўринни, 4 нафар ўқитувчи учинчи ўринни эгаллади. 2018 йилда мактабнинг истеъдодли ўқувчиларидан "Иқтидорли ўқувчилар инновацион олимпиадаси"нинг республика босқичида олти нафар ўқувчиси биринчи ўринни эгаллади.

Ютуқлари, эришилган марралар тезда мамлакатимиз бўйлаб ёйилди, опанинг раҳбарлик салоҳияти, таълим фидойиси сифатидаги фаолияти тилга тушди.

2019 йилда 11-синф битирувчиларининг 107 нафари республика ва хорижий олий ўқув юртурларига ўқишга қабул қилиниб, рекорд натижани қўлга киритди.

Гулнора Жуманиёзованинг ўқувчилари халқаро билим беллашувларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Бундай муваффақиятларга эришиш учун аввало ҳар бир болани кашф этиш лозим. Ҳар бир ўқувчи – очилмаган кўрик, кашф этилмаган қитъа, кўзи беркилиб ётган булок, қумга аралашиб қолган олтин.

Уни кашф этгувчи ўқитувчи эса чўл, кўриқнинг қайсар фельдаторини ўзига бўйсиндириши, Колумбдек шамоллар, тўфонлар, довулларни енгишига ишониб, қийинчиликларни бўйинга олиб, кашфиётга ташна ҳолда йўлга чиқиши зарур бўлади. Борлигини ҳеч қим билмаган булоқни топмоқ учун товуқлари ёрилиб изланиши, булоқни топган эса тирноқлари билан тирнаб бўлсада унга йўл очиши, қумлар орасидан бир ҳовуч олтин олиш учун офтоб тифидаю аёз қаҳрида тинимсиз уюм-уюм барханларни унни элакдан элагандек меҳнат қилиш керак бўлади. Ўқитувчининг вазифаси ундан-да оғир, устознинг меҳнати олтин топишдан-да шарафли.



Битта фандан иқтидорлари бор мактабнинг битта ўқитувчиси кучли бўлади, ўнта фандан иқтидорли ўқувчиси бор мактабнинг ўнта ўқитувчиси кучли бўлади. Барча фандан ўқувчилар кучли бўлиши учун мактабда бошқарув кучли бўлиши керак.

Бу борада Гулнора Жуманиёзованинг ўринбосарларидан кўнгли тўқ. Ўринбосарлари ўз вазифасини пухта бажаради. Мақсадга эришилмагунча ўқувчининг ёнидан кетмайди.

Ҳозир нима кўп, болани чалғитувчи унсурлар кўп. Энг истеъдодли ўқувчи ҳам бир ҳафтада таниб бўлмас даражада айниши мумкин. Унга безътиборлик давом этаверса ўн кун ичида қумга сингандек ғўйиб бўлиши мумкин. 11-мактабда истеъдодли болани бой бериб қўймаслик учун барча кучлар сафарбар этилади.

Бутун дунёни саросимага солган коронавирус пандемияси вақтида, карантин ҳолатида ҳам мактабда тезкор иш режа жорий этилди. Дарслар онлайн шаклига тўлиқ кўчирилди. Фан ўқитувчилари икки баробар қийинчиликни бўйнига олиб дарсларни олиб борди.

Натижада Она тили ва адабиёти фанлари ўқитувчилари Соҳиба Равшанова ҳамда Комила Раджабовалар Республика таълим маркази томонидан ўтказилган "Энг сара тақдирот ва видео дарслар" онлайн танловида Республика таълим маркази ташаккурномасини икки марта кўлга киритишди.

Жорий йилда у раҳбарлик қилаётган 11-мактаб "Энг китобхон мактаб" республика танловида иштирок этиб "SPARK" автомашинасининг эгаси бўлди.

Умрини маърифат йўлига бахш этган ўстоз – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочилиги, "Соғлом турмуш" медали, "Мўътабар аёл" кўкрак нишони соҳибаси, Республика ихтисослаштирилган таълим муассасалари директорлар кенгаши раиси Гулнор Жуманиёзовани гўнчалари Ўзидан кўп атиргуллар гулзорига, қилган меҳнатининг натижасини ўн йиллаб ишонч билан кута оладиган сабр қалъасига ўхшатаман.

Зулфия МҲМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.

Давлат харидларида шарфдорлик жуда муҳим



**Мақлий
АБДУРАҲМОНОВА,**
Монополияга қарши
курашиш қўмитаси
ходими:

—Давлат харидлари ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга соҳа ҳисобланади. Давлат харидлари "Рақобат тўғрисида"ги ҳамда "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ тарзда ташкил этилиши белги-ланган. Давлат харидлари қонуний ўтказилиши ваколатли органлар томонидан ўрганиб борилади ва назорат қилинади. Шундай ваколатли органлардан бири Монополияга қарши курашиш қўмитасидир.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида қўмита 17508 та тендер (танлов) савдолари натижалари юзасидан ўрганиш ўтказилган, 5488 та рақобатни чекловчи ҳолатлар, камчиликлар аниқланган.

Шунингдек, 9259 та тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича ўрганишларда 3938 та камчилик аниқланиб, ҳуқуқ тартибот органларига маълумотномалар тақдим этилган. 4823 та тендер (танлов) савдолари масофадан туриб ўрганилган. Натижада 1435 та камчилик ва "Рақобат тўғрисида"ги қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган бўлиб, ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли таъсир чоралари кўрилган.

Ўрганишларда аксарияти буюртмачи ва иштирокчиларнинг ўзаро келишиб олиши, буюртмачилар томонидан иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, иштирокчиларни асоссиз равишда четлатиш каби камчиликларни кўриш мумкин. Бундай ҳолат рақобат муҳитига салбий таъсир этибгина қолмай, балки

бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишига олиб келмоқда.

Қонун бузилиши ҳолатларига йўл қолдирмаслик учун давлат харидларини амалга ошириш жараёнини доимий равишда такомиллаштириб бориш талаб этилади. Кўпгина давлатларда давлат хариди билан шўғулланадиган ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бевосита ҳўкумат зиммасига юклатилган вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат харидларини эълонга бериш, ўтказиш босқичма-босқич электрон тарзда амалга оширилмоқда. Хўсусан, давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида (xarid.uz) харид якунлари бўйича ғолиб ташкилотнинг маълумотлари, таъсисчиси ва бенифициарлари тўғрисидаги маълумотлар тахлили йўлга қўйилди. Давлат харидларини амалга оширишда иштирок этаётган аффилиланган шахсларни аниқлашга хизмат қилувчи <http://demoreport.uzex.uz> электрон тизими жорий қилинди. Давлат хизматлари агентлигининг тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими дан доимий фойдаланишга рухсат олинди.

Бугунги кунда demoreport.uzex.uz, bo.birdarcha.uz stat.uz, orginfo.uz тизимлари орқали харидлар ижрочилари тўғрисидаги маълумотлар (харид ғолиби, унинг СТИР рақами, бенифициари ва таъсисчиси, уларнинг СТИР рақами) xarid.uz сайтида мониторинг йўлга қўйилган.

Рақамли технологиялардан фойдаланиш шиддат билан ривожланаётганда давлат харидлари жараёнида рақобатни чекловчи ҳолатларнинг олдини олиш, инсон омили иштирокчи максимал даражада бартараф этиш, барча харидларни электрон тарзда амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Монополияга қарши курашиш қўмитаси бу борада ўз тақлифларини ваколатли органларга тақдим этиб келмоқда.

O'zbekiston ovozi

MUASSIS:
XDP
Xalq demokratiik partiyasi

TAHRIIR HAY'ATI:
Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFQYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Musliihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAZONOV
MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.
Telefonlar: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.
E-mail: uzbovozi@mail.ru
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonana manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.
Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ahmad QURBONOV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV
G — 1141. 14100 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 21:20.
ISSN 2010-7633
Gazetaning elektron sahifasiga utish uchun QR-kodni telefoningiz orkali skaner qiling.
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda